O‘ZBEKISTON
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
BUNYODKORI
№11 (764) 2024 йил 16 февраль, жума
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor · t.me/uzbunyodkor · uzbunyodkor · info@uzbunyodkor.uz · uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТНИНГ АНДИЖОНДАГИ ЁРҚИН НАТИЖАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15 февраль куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.**

Ташриф дастурида кўзда тутилган манзиллар ва режалар кўп. Биринчиси "Асака текстиль" кластерининг тўқимачилик корхонаси бўлди.

Бу улкан мажмуа иқтисодий контрастнинг ёрқин мисоли. 2016 йилгача бу ер ташландиқ жой эди. Давлатимиз раҳбари тадбиркорларга берган руҳ ва мадад натижасида бу ерда босқичма-босқич янги бинолар қурилиб, 2022 йил августда ишга туширилди. Бугунги кунда 83 миллион долларлик лойиҳа эвазига хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ "занжир" ташкил этилган.

Хусусан, кластер тизимида Андижон вилоятининг Улуғнор ва Жалақудуқ туманлари ҳамда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида 11 минг 200 гектар майдонда пахта етиштирилади. Шундан 2 700 гектарда томчилаб суғориш йўлга қўйилган.

Асакадаги корхонага Швейцария, Италия, Туркия, Германия, Япониядан ускуналар келтириб ўрнатилган. У йилига 11 минг тонна ип-калава, 8 минг тонна момиқ ва трикотаж мато, 12 минг тонна ип ва матони бўяш, 6 минг тонна тайёр трикотаж ва сочиқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 3 минг 200 киши ишламоқда.

Корхонада хорижий ҳамкорлар талабига асосан сифат назорати, касб ўргатиш маркази ташкил этилган. Бўёқ цехидан чиққан сувни тозалаш иншооти ҳам ишга туширилган.

Умуман, кластер томонидан 102 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, йиллик 50 миллион долларлик экспорт қуввати яратилган. Бундан етти йил олдинги ҳолат билан солиштирганда даромад, иқтисодий манфаатдорликдаги фарқ ер билан осмонча.

Келгуси йилларда кластер томонидан Улуғнор туманида 70 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш заводи, тикув-трикотаж ва пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилиниши режалаштирилган. Уларда яна 1 минг 600 дан зиёд иш ўрни очилади.

Шу ерда Андижон вилояти мисолида пахта-тўқимачилик саноатини ривожлантириш концепцияси бўйича ахборот берилди. Қайд этилганидек, ишлаб чиқариш таннархи 15 фоизга қисқартирилади, 65 фоиз қўшилган қиймат яратилади. Дизайнер ва технологлар мактаби ташкил этилади. Нуфузли брендлар ва ритейлерлар жалб этилиб, тармоқ корхоналари экспорти 800 миллион долларга етказилади.

Давлатимиз раҳбари кластер билан фермерлар ўртасидаги муносабатларда манфаатдорликни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

– Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантираяпмиз. Мақсадимиз – ерга нисбатан эътиборни, маҳсулот етиштирувчилар манфаатини кучайтириш. Соҳанинг қуйи бўғини бўлган деҳқон ва фермерлар ҳам рақобатбардош бўлиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент корхонада ишлаётган тикувчи аёллар билан суҳбатлашди. Уларнинг айримлари ўз туманида юқори маошли иш пайдо бўлгани учун меҳнат муҳожирлигидан қайтиб келган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Андижон туманидаги "Андижон саноат хаби"даги корхоналар фаолияти билан танишди.

105 гектар майдонни эгаллаган ушбу саноат ҳудудида машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари каби тармоқлардаги 12 та лойиҳа жойлашган. Улардан бири – "Авто Спринг Компонентс" масъулияти чекланган жамияти. Умумий қиймати қарийб 60 миллион АҚШ доллари бўлган бу корхона йилига 18 минг тонна пўлат деталлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маълумки, қуйма деталлар саноатнинг асоси ҳисобланади. Уларни ишлаб чиқариш юксак малака ва технологиялар талаб этади. Хусусан, илгари мамлакатимизнинг автомобилсозлик ва машинасозлик тармоқларида бундай қисмлар импорти катта ўрин тутарди. Уларнинг маҳаллийлаштирилиши энди таннархни камайтириб, рақобатбардошликни оширади.

Корхонада Хитой ва Германия давлатлари технологиялари асосида пўлат қисмлар тайёрлаш лойиҳаси бошланган. Металл қуюв қисми АҚШ, механик ишлов бериш қисми Хитой компаниялари томонидан лойиҳалаштирилган. Ўтган йили 4 турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилган.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, 140 та иш ўрни яратилган. Шу йилнинг май ойида автомобиллар учун қуйма қисмлар тайёрланадиган иккинчи босқич ишга туширилади.

Бу ноёб корхона бир вақтнинг ўзида 12 тонна металл эритиш имкониятига эга. Яна бир самарали томони, хомашёлар Асака туманидаги автомобиль заводининг темир чиқиндиларидан олиниб, қайта ишланади.

Мажмуа тўлиқ қувватга чиққанда, йилига 27 миллион долларлик маҳсулотлар маҳаллийлаштирилади. Президентимизга маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ҳақида ахборот берилди. Бунда таннархни камайтириш ва "яшил" технологияларни қўллашга катта эътибор қаратилади.

Жорий йилда умумий қиймати 156 миллион долларлик 10 та лойиҳа ишга туширилиб, 2 минг кишининг бандлиги таъминланади. 2025 йилда умумий қиймати 14 миллион долларлик 2 та лойиҳани амалга ошириб, яна 400 та иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари "Андижон саноат хаби"да вилоятда ишлаб чиқарилаётган мебеллар кўргазмаси билан танишди.

Андижон вилоятида 377 та мебелсозлик корхонаси фаолият юритмоқда. Сўнгги 5 йил давомида мазкур йўналишда 35 миллион долларлик 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 3 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Мебель ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 15 бароборга ортган.

Мебелсозлар учун солиқ, божхона тўловлари бўйича қатор имтиёзлар жорий этилгани, экспортдаги харажатлар ҳамда хориждан жалб этилган мутахассислар иш ҳақининг қисман қоплаб берилиши соҳа вакилларига катта рағбат бўлмоқда.

Бугунги кунда йилига 300 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, минтақа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Президентимиз корхоналар таъсисчилари билан суҳбатлашди.

– Ўтган йиллардаги энг катта ютуқлардан бири тадбиркорларимизда онг ўзгарди, ишонч ортди. Бугун улар рақобатбардош бўлиб, дунёга чиқяпти. Булар ҳам фаолиятини оддий ишдан, маҳалладан бошлаган. Бошқалар ҳам шундай қилса бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Андижон вилоятида 41 та маҳалла мебелсозликка ихтисослашган. Масалан, Олтинкўл туманидаги Ижтимоят маҳалласида 490 та хонадонда мебель тайёрлаш кооперация усулида йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, якка тартибда рўйхатдан ўтган ва ўзини ўзи банд қилган ҳунармандлар ҳам кўп. Минглаб ёшлар "Устоз-шогирд" анъанаси асосида ҳунар ўрганмоқда.

Шу боис мебелчиликни янада ривожлантириш бўйича иш олиб борилмоқда. Андижон ва Олтинкўл туманларида бунга ихтисослашган 2 та саноат зонаси ташкил этилмоқда.

Ушбу тажриба асосида вилоятдаги 909 та маҳалланинг имкониятларини ўрганиб, сердаромад йўналишларга ихтисослаштириш чоралари муҳокама қилинди. Бунинг учун давлат томонидан инфратузилма яратилиб, моддий-ташкилий жиҳатдан кўмак берилади. Мақсад – Андижон вилоятини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришга интилиш.

Президент Андижон вилоятида амалга оширилиши режалаштирилган йирик лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Қайд этилганидек, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда жами 1,7 миллиард долларлик 26 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Улар энергетика, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, таълим ва инфратузилма каби муҳим соҳаларни ўз ичига олади.

Масалан, мини гидроэлектростанциялар, уй-жой ва кўнгилочар масканлар қуриш, электробуслар ва улар учун аккумуляторлар, керамогранит ва бетон панеллар, дори воситалари ишлаб чиқариш, гилос ва резавор мевалар етиштириш каби лойиҳалар кўплаб иш ўринлари, иқтисодий самарадорлиги билан халқимизга катта манфаат келтиради.

Давлатимиз раҳбари хитойлик инвесторлар билан суҳбатлашди. Улар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик юксак даражага чиққани, мамлакатимиздаги улкан имкониятлар ишбилармонларга ишонч бераётганини таъкидлашди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Марҳамат туманидаги шахмат мактаби ва кутубхонада бўлди.

▶ 2-бет

# ТАШРИФДАН ТАШРИФГАЧА

## Андижонда қандай ишлар амалга оширилди?













**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йилнинг 2-3 февраль кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида бир қатор истиқболли лойиҳалар билан танишиб, вилоятда олиб борилаётган қурилиш, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш юзасидан аниқ топшириқларни белгилаб берган эди.**

Вилоятда мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 68 триллион 223,4 миллиард сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 5,1 фоизга ўсди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,3 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 8,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,0 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 3,2 фоизга, чакана савдо айланмаси 7,8 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 18,1 фоизга, хизматлар ҳажми 11,3 фоизга, ташқи савдо айланмаси 17,5 фоизга ўсди.

Вилоятда 2023 йилда инвестиция лойиҳалари доирасида умумий қиймати қарийб 690 миллион долларга тенг 433 та лойиҳа амалга оширилди. Бунда тўқимачилик, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳалари салмоқли ўрин эгаллади. Мазкур лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига 29,3 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Масалан, Шаҳрихон туманида "Saxovat teks" масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 22,6 миллион долларлик мато тўқиш, бўяш ва сочиқ ишлаб чиқариш бўйича лойиҳанинг ишга туширилиши билан мингта янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, ўтган йили вилоятда жами 599 миллион долларлик, шундан 560 миллион долларлик саноат, 39 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Умуман, экспорт фаолиятига 392 та корхона жалб этилган бўлиб, улардан 333 таси саноат, 59 таси мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширди. Вилоят ҳудудий экспортининг асосий қисми яъни 81,5 фоизи тўқимачилик маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди. Тўқимачилик соҳасида тайёр маҳсулотлар экспорти улуши эса 76 фоизга етказилди.

Ўтган йили ҳудудий маҳсулотлар экспорт қилинадиган давлатлар қаторига аввал экспорт амалга оширилмаган Португалия, Монголия, Мьянма, Франция, Босния-Герцоговина каби давлатлар қўшилди.

Вилоятда кўплаб янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Хусусан, Андижон шаҳрида "FAW" бренди остидаги юк автомашиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги заводнинг ишга туширилиши ҳам муҳим воқеалардан бири бўлди. Умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларга тенг лойиҳа доирасида ташкил этилган мазкур корхонада йилига тўрт минг дона 5 тоннадан ортиқ юк кўтариш қобилятига эга автомобиллар ишлаб чиқарилади. 2023 йил давомида 24 минг 381 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, рўйхатга олинган хўжалик субъектлари сони 44 минг 924 тани ташкил этди.

Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2023 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида барча йўналишларда 531 минг 685 нафар ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди. Жумладан, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш йўналишида 194,4 минг нафар, қишлоқ хўжалиги тармоғида 277,9 минг нафар, инвестиция лойиҳаларини ишга туширилиши ҳисобига 40,7 минг нафар, қурилиш ва коммунал соҳасида 16,8 минг нафар, туризм соҳасида 2,3 минг нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Бундан ташқари, ишсиз аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва тадбиркорликка йўналтириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 30 турдаги касблар бўйича 15,1 минг нафар ишсиз фуқаролар касбга тайёрланди ва ўқитилди. Касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастури доирасида ўқиган фуқароларнинг 4,8 минг нафари иш билан таъминланди.

Маҳаллаларда аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, аҳоли даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш бўйича ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари кўмаги билан 279,4 минг нафар фуқаролар доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилди, 151,9 минг нафар фуқаро ўзини-ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинди, 6,9 минг нафар киши кичик бизнес корхоналарига, 7,2 минг нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 3,9 минг нафар киши ҳунармандчиликка жалб қилинди, 35,6 минг нафар фуқарога деҳқончилик қилиш учун ижара асосида ер ажратилди.

Маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, умумий қиймати 886,5 миллиард сўмга тенг 3 минг 93 та микролойиҳа амалга оширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 19,2 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Маҳаллаларда аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик йўналишларида 47,6 мингта лойиҳага 876 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Бундан ташқари, 7 минг 854 нафар ишсиз аҳолига, шу жумладан, камбағал оилалар аъзоларига тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик фаолиятини бошлаш учун 56,8 миллиард сўм миқдорида субсидиялар ажратилди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилди. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган Янги Андижон шаҳрида жорий йилда 2 мингдан ортиқ хонадонли 80 та янги уй қурилиши белгиланган. Ҳозирга қадар уйларнинг асосий қисми фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Янги Андижон шаҳрида 1 минг 680 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби, 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 250 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятда муқобил энергия тизимини шакллантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. 2023 йилда жами 45,7 МВт қуёш панеллари ўрнатилди. Жумладан, 817 та ижтимоий соҳа ва давлат идоралари биноларига 16,3 МВт қувватли, 1 минг 347 та тадбиркорлик субъектларининг бино ва иншоотларига 14,6 МВт қувватли, 8 минг 424 та аҳоли хонадонига 14,8 МВт қувватли қуёш панеллари ўрнатилди. Бундан ташқари, Избоскан, Марҳамат, Улуғнор, Жалақудуқ ва Пахтаобод туманларида 41 та микро гидро электрстанция қуриш ва ишга тушириш белгиланган. Хитойлик, россиялик мутахассислар жалб этилиб, мазкур йўналишда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўтган йили қуввати 250 МВт бўлган Андижон ва Олтинкўл туманларидаги 2 та ГЭС ишга туширилди.

Умумий қиймати 36 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа доирасида Андижон шаҳридаги РК-2 Марказий қозонхонаси реконструкция қилинди, 27,5 километр узунликдаги иссиқлик узатиш тармоғи тортилди. Амалга оширилган ана шу ишлар натижасида Андижон шаҳрининг 1-, 2-, 3-, 4- ва 5-кичик даҳалари, шунингдек, Машраб кўчасидаги 271 та кўп қаватли уй ҳамда 30 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув етказиб берилади.

Андижон вилоятидаги танлаб олинган 5 та – Қўрғонтепа туманидаги Қизилтўқай, Жалақудуқ туманидаги Қутлуғ, Бўстон туманидаги Меҳнатобод, Избоскан туманидаги Гулистон, Балиқчи туманидаги Халфачек маҳаллаларида "Обод маҳалла – обод хонадон – обод кўча" дастури доирасида қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Дастур доирасида хатлов ўтказилиб, маҳаллалардаги 2 минг 686 та хонадон ўрганилди. Ўрганишлар натижасида 8 минг 947 та муаммо ва одамларни қийнаётган масалалар аниқланди. Олиб борилган амалий ишлар натижасида ана шу муаммо ва масалаларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Вилоятда автомобиль ва ички йўлларни қуриш, таъмирлаш бўйича ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Ўтган йили 1 минг 628,9 километр масофадаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, аҳоли пунктларининг ички кўчалари таъмирланди. Ўтган йили вилоятдаги ички йўлларнинг 1 минг 52,2 километрига асфальт, 84,3 километрига цемент-бетон қопламаси, 78,8 километрига шағал ётқизилди.

Президентимиз ташаббуси билан ўтган йил июль ойида Хонобод шаҳрида ўтказилган "Дунё садолари" 1-халқаро миллий эстрада санъати фестивали вилоят маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Умумий қиймати 8 миллиард 286 миллион сўм бўлган лойиҳа доирасида Андижон шаҳрида янгитдан Вилоят кўзи ожизлар махсус кутубхонаси барпо этилганлиги ҳам Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий муҳофазага муҳтож, жисмоний имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг амалий намунаси бўлди, деб ёзади ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаев.

Бундан ташқари, вилоятда ўтган йили ижтимоий соҳалар – тиббиёт, мактабгача ва мактаб таълими, шунингдек, маданият, туризм, умуман, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

# ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТНИНГ АНДИЖОНДАГИ ЁРҚИН НАТИЖАЛАРИ

◀ 1-бет

Юртимиз олдиндан салоҳиятли шахмат мактабига эга. Бугун ҳам болалар ўртасида “ақл гимнастикаси”га қизиқиш катта. Уларнинг бу иштиёқини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида Марҳамат туманида ҳам мажмуа бунёд этилди. Эркин Воҳидов номидаги ушбу мактабда ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида ақл машқидан сабоқ олади. Уларнинг маҳоратини ошириш учун тажрибали мураббийлар жалб қилинган. Ўқув-машғулот хоналари ва мусобақа зали мавжуд. Компьютерлашган илғор дастурлар ёшларга манзур бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда сабоқ олаётган ўғил-қизларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаб, эзгу тилаклар билдирди. Бу муассасани бошқа шахмат мактаблари билан боғлаб, тажриба алмашиб бориш муҳимлигини таъкидлади.

Ушбу мактабга туташ Ёшлар кутубхонаси ҳам қурилган. У кенг ва шинам, бир вақтда 150 дан ортиқ китобхон мутолаа қилиши мумкин. Кутубхона 30 минг нусхадан зиёд адабиётга эга, қатор ахборот марказлари тармоғига уланган. Шулар боис ёшларнинг севимли масканига, интеллектуал ўйинлар, ижодий учрашувлар, китоб тақдимотлари ўтказиладиган қайноқ даргоҳга айланган.

Президент шу ерда андижонлик ёшлар билан мулоқот қилди.

– Биз иқтисодиётимизни ривожлантириб, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш, иш жойларини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Андижонда ҳам катта режаларимиз бор. Бунда аввало сизларга таянамиз. Ҳар бир билимли ёш – Ватан ҳимоячиси, – деди Шавкат Мирзиёев.

Таълим тизимидаги янгиликлар, ёш авлодга яратилаётган шароитлар, илмий-ижтимоий лойиҳалар ҳақида сўз борди. Президент ёшлар билан янги ташаббуслар юзасидан фикрлашди. Шунингдек, уларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Андижон шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ҳам кўздан кечирди.

Мазкур муассаса ўтган йили 50 миллиард сўм давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилган. У 504 ўринга мўлжалланган бўлиб, 5-11-синфларда аниқ ва табиий фанларни чуқур ўқитишга ихтисослашган. Мактабга ўқувчилар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан имтиҳон асосида олинади.

Мактаб-интернатда 60 дан ортиқ ўқув ва компьютер хоналари, чет тили синфлари, лаборатория мавжуд. Шунингдек, 222 ўринли ётоқхона, ошхона, спорт зали замонавий жиҳозланган.

Президентимиз шу ерда ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Мактабнинг юқори синфлари билан олийгоҳ дастурлари ўртасида узвийликни таъминлаш, бир-бирини такрорлайдиган дарсларга ёшларнинг вақтини кетказмасдан, кўпроқ амалиётга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди. Умуман, мактабларга таълим, тарбия ва маънавият бўйича янги муҳит олиб кириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Андижон шаҳрида бунёд этилаётган Универсал спорт мажмуасини бориб кўрди.

Ҳозирда тўрт минг томошабинга мўлжалланган ёпиқ зал қурилган. Унда бир нечта спорт тури бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин бўлади. Жумладан, жорий йил кузда футзал бўйича жаҳон чемпионатининг айрим ўйинлари шу ерда ўтказилади.

Йирик мажмуада бассейн, кафе, ресторан ҳам бўлади. Машҳур спортчиларнинг маҳорат мактаблари учун ҳам шароит яратилади. Машғулотлар спорт федерациялари ва олий таълим масканлари билан боғланган ҳолда олиб борилади.

Мажмуани самарали эксплуатация қилиш, замонавий бошқарувни жорий этиш лозимлиги айтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги марказий қозонхонани бориб кўрди.

У яқинда имтиёзли хорижий кредит эвазига реконструкция қилиниб, Хитойда ишлаб чиқарилган 3 та энергия тежамкор қозонлар ўрнатилган. 28 километр иссиқлик қувурлари ётқизилиб, 373 дона индивидуал иссиқлик пунктлари ташкил этилган. Шунингдек, 2 минг киловатт қувватли трансформатор ўрнатилиб, юқори кучланишли электр тармоғи тортилган.

Натижада шаҳардаги 271 та кўп қаватли уй ва 30 та ижтимоий объект марказлашган иссиқ сув ва иссиқлик таъминотига эга бўлади. Шу билан бирга, бир йилда 16 миллион метр куб табиий газ, 2 миллион киловаттдан зиёд электр энергияси тежаб қолинади.

Шу ерда 2024-2026 йилларга мўлжалланган навбатдаги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Унга кўра, Андижон шаҳридаги яна 5 та қозонхонани реконструкция қилиш, 33 километр иссиқлик тармоқларини қуриш ва 114 та кўп қаватли уйнинг ички иситиш тизимларини янгилаш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларни жадаллаштириб, аҳолини барқарор иссиқлик билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ФАРҒОНА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ЭНГ НАМУНАЛИ ҲУДУД БЎЛАДИ

**Орифжон ИСМОИЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳарда 2024 йилда уй-жой, қурилиш, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан жорий йил 29 январь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселекторда белгилаб берилган топшириқлар ижроси ва олдинда турган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Азизбек Икрамов, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, масъул мутасаддилар, қурувчилар, пудрат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди.

Дастлаб, вилоят раҳбари Экошаҳардаги ҳар бир объектда қурилиш ишларининг боришини кўздан кечириб, масъуллар ва қурувчилар билан суҳбатлашди, қурилиш ишларини ўз муддатида, сифатли қилиб якунлаш бўйича кўрсатмалар берди. Шундан сўнг, давлатимиз раҳбари томонидан қурилиш соҳаси бўйича берилган топшириқлар ижросини сифатли ташкил қилиш ва олдинда турган вазифалар муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими қурилиш иқтисодиётнинг катта ўсиш нуқтаси эканлигини қайд этиб, бу соҳа ҳар қандай давлатнинг тараққиётини тезлаштиришга ва ривожланишига туртки беришини, аҳолини иш ўринлари билан таъминлашини, даромадини оширишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, юртимизда қурилиш соҳаси ва бозорини ривожлантириш, қурилишлар сифатини юксалтириш, янги инфратузилма объектлари сонини ошириш, ҳажмини кўпайтириш, янги шаҳарлар қуриш, темирйўл ва автомобиль йўллари барпо этиш, саноат зоналарини кўпайтириш масалаларига Президентимиз томонидан ҳам алоҳида урғу берилиб, дастурлар қабул қилинмоқда. Биргина Фарғона вилоятига инфратузилма бўйича 3 йил олдин 500-600 млрд сўм маблағ ажратилган бўлса, бу рақам 2022 йилда 1,3 трлн, 2023 йилда эса 2,1 трлн сўмга етди. Бу маблағлар бевосита давлат буюртмачилиги асосидаги маблағлар эканлиги, шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар, инвесторлар томонидан ҳам маблағлар ажратилаётгани ҳисобига соҳа жадал тараққий этмоқда.

Экошаҳар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда 75 та турар жой биноси қурилиши якунланмоқда. Массив ёнида саноат зонаси қад ростлаб, қарийб 80 гектар майдонда парк, дам олиш учун боғлар, тадбиркорлар маблағлари ҳисобига уйлар барпо этилмоқда. Йиғилишда Экошаҳар қурилишининг кейинги босқичи ҳам жадал давом эттирилиб, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар ҳам маблағ йўналтириш истагида эканлиги, энг асосийси, ушбу бинолар кўзга кўриниб, йўлдош шаҳарча бунёд бўлаётгани барчани мамнун этаётгани қайд этилди.

Энг муҳими, Президентимизга Фарғонани қурилиш соҳасида намунали ҳудуд ва коррупциядан холи ҳудудга айлантириш бўйича берилган ваъдалар ижроси учун тиним билмай ҳаракат қилиш зарурлиги айтилди. Бу борада қурилиш соҳасини назоратга олиш, сифатни, муддатни, фойдаланилаётган маҳсулотларни доимий назорат қилиш учун прокуратура қошида алоҳида бўлим очилди. Бу жараёнда прокуратура органларига ҳам назоратни кучайтириш бўйича бир қатор топшириқлар берилди. Йиғилишда вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов ҳам сўз олиб, олдинги йиллардаги ҳолат ва олдинда турган вазифалар бўйича ахборот берди.

Шу билан бирга, бюджетдан ажратилган маблағлар алоҳида назоратда бўлиб, доимий текширилиши, давлат маблағлари сарфланиши бўйича Фарғона тажрибасини яратиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, хориж тажрибасини ўрганиб, қурувчи ва лойиҳачилар маҳоратини ошириш ҳамда ўқитиш, қурилиш материалларини сифатли танлаш масалалари бўйича ҳам масъулларга топшириқлар берилди. Бундан ташқари, қурувчилар даражасини кўтариш, хориж бозорига ҳам кириб борувчи мутахассисларни кўпайтириш каби вазифалар қўйилди. Ёш кадрларга хорижий тилларни ўрганиб, ҳунарни пухта эгаллаб, хорижий давлатларда ҳам катта-катта лойиҳаларни амалга ошириш вақти келганлиги ва маррани катта олиб, ҳалоллик билан ишни ташкил қилиш кераклиги тушунтирилди.

Маълумот ўрнида, 2023 йилда аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида вилоят миқёсида 229 та 8 127 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қуриш ҳисобига 1,8 трлн сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширилиши режалаштирилган эди. Бугунги кунда жами 229 та 8 152 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди. 2024 йилда ҳам вилоятда 165 та 6 500 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қуриш ҳисобига 1,5 трлн сўмлик, хусусан, 61 та кўп қаватли уйлар, “Янги Ўзбекистон” массивларида 2 888 та хонадонга эга уй-жойлар барпо этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 104 та 4 062 хонадонли уй-жойлар қурилиши мўлжалланмоқда.

# ПОЙТАХТДАГИ ҚАТОР ОБЪЕКТЛАРДА РЕЙД ЎТКАЗИЛДИ



Юнусобод туманидаги Посира маҳалласи ҳудудида қурилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти



Юнусобод тумани 9-мавзеда “Zo‘rsan Residence Developer” МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой объекти



Чилонзор тумани Чўпонота кўчасида “Leader House Building” МЧЖ томонидан барпо этилаётган қурилиш объекти

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ОАВ вакиллари иштирокида Тошкент шаҳридаги қурилиш объектларида хавфсизлик қоидаларига амал қилиш ва қурилишлар сифатини аниқлаш бўйича рейд ташкил қилинди. Мазкур назорат тадбирида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов, Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси масъуллари ҳамда бошқа экспертлар иштирок этишди.**

Дастлабки ўрганиш Юнусобод туманидаги Посира маҳалласи ҳудудида қурилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектида бўлди. Маълум бўлишича, фуқаро М. Хўжаҳмедов томонидан барпо этилаётган мазкур бинонинг қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 200-сонли қарорида келтирилган регламент талабларини бузган ҳолда, яъни, Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтмасдан туриб бошланган. Инспекция томонидан объект тегишли тартибда рўйхатдан ўтгунга қадар қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш бўйича ёзма кўрсатма берилган, шунингдек, МЖтКнинг 99-моддасига асосан, баённома расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Кейинги манзил – Юнусобод тумани 9-мавзеда “Zo‘rsan Residence Developer” МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой объекти бўлди. Мониторинг ишлари мобайнида вазир ўринбосари Тоир Алиматов аниқланган бир қанча камчиликларга тўхталиб ўтди:

– 1500 хонадондан иборат 16 қаватли турар жой объектида олиб борилаётган ҳандақ-котлован ишларида техника хавфсизлиги чоралари кўрилмаган. Яъни, ҳандақ атрофи 1,10 метр баланликдаги ҳимоя тўсиқлари билан ўралмаган. Ҳудуд атрофида тозалаш тадбирлари олиб борилмаган. Хавфли ҳудудлар олдида тегишли белгилар ўрнатилмаган.

Қурилиш-пудрат ташкилоти масъулларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Рейд тадбири Чилонзор тумани Чўпонота кўчасида “Leader House Building” МЧЖ томонидан барпо этилаётган қурилиш объектида давом этди. Аниқланишича, мавжуд савдо дўкони биносини ертўла қисмида автотураргоҳ ташкил қилиш шарти билан 1-, 2-қаватлари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси бўлган ўрта қаватли турар жой биносига қайта ихтисослаштириб, реконструкция қилиш объектининг қурилиш-монтаж ишлари ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан туриб амалга оширилган. Инспекция томонидан қурилиш ишларига масъул раҳбар ўринбосарига нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 496-сонли қарори билан белгиланган талаб асосида ёзма кўрсатма расмийлаштирилган ҳамда кўрсатма талабларини ўз вақтида бажармагани учун МЖтКнинг 99-моддаси 7-қисми бўйича 2022 йил 3 ноябрда маъмурий жазо қўлланилган.

Шунга қарамай, “Leader House Building” МЧЖ томонидан яна қурилиш ишлари олиб борилаётгани аниқланган ҳамда инспекция томонидан 2023 йилнинг 2 февралида 309-сонли ёзма кўрсатма расмийлаштирилган. Кўрсатма талабларини ўз вақтида бажармагани учун 2023 йил 30 мартда МЧЖ раҳбарининг ўринбосарига нисбатан МЖтКнинг 99-моддаси 7-қисми бўйича маъмурий жазо қўлланилган.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси Шаҳзод Сапарбоев инспекция томонидан қўйилган талабларни бажармасдан, ШНҚ ва ҚМҚ талабларини қўпол равишда бузган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини давом эттираётган ушбу МЧЖнинг масъул раҳбарларига нисбатан Тошкент туманлараро Иқтисодий судига даъво аризаси киритилганлигини маълум қилди.

Назорат бор жойда, ҳушёрлик бўлади, сифат ва мукаммаллик таъминланади. Бу эса айниқса, инсонлар ҳаёти билан боғлиқ жараёнларда мутасаддилардан янада катта масъулият талаб қилади. Ўтказилган рейд тадбири қурилиш-бунёдкорлик соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ва юртдошларимизни яна бир карра огоҳликка ундайди, деган умиддамиз.



# Аҳоли БСКлардан НЕГА НОРОЗИ?

**Бугунги кунда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига йўлланган мурожаатларни мутахассислар жойига чиққан ҳолда ўрганиб, тегишли ечимларини кўрсатишмоқда.**

Хусусан, мурожаатларнинг бирида Мирзо Улуғбек туманидаги Оққўрғон маҳалласида яшовчи аҳоли ўзларига хизмат кўрсатиб келаётган бошқарув компаниядан чиқиб, ўз-ўзини бошқариш усулини танламоқчилиги билдирилган. Вазир ўринбосари Озода Жўраева бошчилигидаги мутахассислар масалани жойига чиқиб ўрганишди. Ушбу мурожаат билан келган тўрт нафар фуқаро ва икки қаватли уйда яшовчи бошқа қўни-қўшнилар ҳам мажбурий бадал пулларини йиллар давомида тўламай келганлиги аниқланди. Натижада БСКнинг ушбу уйларга хизмат кўрсатишга молиявий имконияти бўлмаган. Қолаверса, мазкур икки қаватли уйларнинг қурилганига 70 йилдан ортиқ вақт ўтган. Бу ўз-ўзидан объектни сақлаб туриш харажатларининг ошишига олиб келади.

Масала атрофлича ўрганилиб, БСК масъулларига тегишли кўрсатмалар берилди. Муаммоларни бартараф қилиш бўйича аниқ вақт белгиланди.

Яна бир мурожаат жойига чиқиб ўрганилди. Пойтахтимизнинг Учтепа тумани Тепақўрғон маҳалласида охирги бир йилнинг ўзида учта БСК ўз ишини давом эттирмасдан кетиб қолган. Сабаби оддий, аҳолининг аксарият қисми мажбурий бадал пулларини йиллар давомида тўламасдан келган. Натижада кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи компаниялар фаолият юритолмаган. Охирги уч ойда маҳалладаги 15 та уй “Комфорт уйим” БСКга ўтказилган. Ҳозирда амалий ишлар бошланган, бироқ тўловнинг яхшиланиши ҳақида “яхши” гапнинг ўзи йўқ. Воқеа мана шундай ривожланадиган бўлса ва аҳоли пул тўламаса ушбу компаниянинг ҳам кетиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.

Мутахассислар ертўла ва кириш йўлаклари, ободонлаштириладиган ҳудудларни кўздан кечириб, БСК раҳбарига биринчи галда қилиниши лозим бўлган вазифаларни эслатиб ўтишди. Аҳоли билан ишлаш, улар билан гаплашиб, режалар бўйича узлуксиз маълумотлар бериб бориш лозимлиги таъкидланди. Бир сўз билан айтганда – компания ўзини-ўзи реклама қила олиши керак! Ҳозирда компания томонидан ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Кўп қаватли уйлар атрофи ободонлаштирилиб, муаммоли масалалар олди олинмоқда.

Ўрганишлар Сергели тумани 3-тор кўчаси 19-сон уйдан келган фуқароларнинг бошқарув сервис компанияси ва биллинг тизимига оид мурожаати бўйича давом этди. Мутахассислар томонидан мазкур ҳудуддаги 33 та уйга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилоти фаолияти кўриб чиқилди. Тўғри, ҳудудни ободонлаштириш ва бошқа хизмат кўрсатиш йўналишларида камчиликлар йўқ эмас. Шундай бўлса-да, кўпчилик аҳоли мазкур уйларга хизмат кўрсатаётган бошқарув сервис компанияси хизматлари қониқарли эканлигини таъкидлади. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек аҳолининг мажбурий бадал тўловларини ўз вақтида тўламаётгани, мулкдорларнинг аксарият қисми “ҳудуд фаоллари”нинг нотўғри чақириқларига чалғиб қолаётгани кўзга ташланди.

Озода Жўраева аҳоли билан суҳбатлашиб, умумий мулк масъулияти, мажбурий бадал тўловларини ўз вақтида амалга ошириш зарурати, кўп квартирали уйларнинг техник ҳолатини сақлашда мулкдорларнинг вазифалари ҳақида маълумот бериб, шундай деди:

– Кўп қаватли уй сизнинг мулкингиз. Унинг техник ҳолатини яхши сақлашдан ҳам энг аввало, сиз манфаатдор ҳисобланасиз. Шу боис, тўловлар изчиллигига эътибор беришингиз шарт. Мажбурий бадал тўловлари уйни сақлаш, ундаги муаммолар олдини олишга сарфланади. Агар тўлов амалга оширилмаса, уй ҳолати ҳам ёмонлашаверади.

Аҳоли мурожаатига асосан, Юнусобод тумани 3-даҳада ҳам ўрганиш ишлари олиб борилди. Аҳоли мазкур ҳудудда жами 5 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи “Қўрқмас коммунал” уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятидан норозилигини билдирди. Хусусан, мулкдорлар мурожаатлари ўз вақтида бартараф этилмаган, кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишлари етарлича олиб борилмаган, ертўлалар ҳам эътиборсиз қолиб кетган.

Ушбу камчиликлар юзасидан БСК ва аҳоли вакилларига тегишли кўрсатмалар берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# Тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сўнгги йилларда юртимизда барча соҳалар қатори тиббиётга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу аснода аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг исботини яқинда Нукус шаҳрида бир куннинг ўзида қатор тиббиёт масканларининг янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилганида ҳам кўриш мумкин.**



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2022 йил 16 июндаги ПҚ-283-сон қарори билан 65 млрд сўм маблағ эвазига 4 қаватдан иборат замонавий тиббий асбоб-ускуна ва анжомлар билан жиҳозланган Республика шошилинч ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалининг фойдаланишга топширилиши катта байрамга айланди.

Марказнинг ташкил этилиши натижасида тез тиббий ёрдамнинг ягона вертикал бошқариш тизими йўлга қўйилди. Моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Филиал қурилиши учун деярли 11 млрд сўм маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари тўлиқ ва сифатли якунланди. Марказни радио-алоқа воситалари билан таъминлаш мақсадида 7,5 млрд сўм, мебеллар билан таъминлаш учун 1 млрд сўм, "Тез ёрдам" транспортларини планшетлар билан таъминлаш учун 734 млн сўм маблағ ажратилди.



Натижада бу ерда шу пайтгача Тошкент шаҳрида ўтказилиб келинаётган айрим мураккаб операцияларни ўтказиш имкониятлари яратилди. Тиббиёт маскани 130 ўринга мўлжалланган бўлиб, яна қўшимча 50 ўрин ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, Президентимизнинг мазкур қарори тез тиббий хизматини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Нукус шаҳрида қурилиши бошланиб, қисқа вақтда фойдаланишга топширилган Республика тез тиббий ёрдам марказининг замонавий биноси мана шу қарор ижросининг бир кўринишидир.

Шу куни қурилиши учун 9 млрд сўм маблағ ажратилган, 350 кишига хизмат кўрсатадиган Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 8-оилавий поликлиниканинг ҳам очилиши маросими бўлиб ўтди.

Янги тиббиёт масканларининг фойдаланишга топширилиши аҳолига бирламчи тиббий хизматни янада яқинлаштириш ва фуқаролар саломатлигини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, узоқ йиллар давомида халқимиз саломатлиги учун хизмат қилиши шубҳасиз.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

# Яна 4 та маҳалла обод масканга айланмоқда

Зиё СИРОЖ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Шаҳрихон тумани Андижон вилоятининг энг аҳолиси зич жойлашган манзили ҳисобланади. Бу эса, табиийки, ҳудудлар инфратузилмасига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Айниқса, Оқ олтин маҳалласида аҳолини қийнаб келаётган узоқ йиллик муаммолар мавжуд. Табиий газ билан боғлиқ масалалар шулар жумласидандир. Ҳозирда бу муаммоларга "Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла" мезонлари асосида ечим изланмоқда.**

– Аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадига йўналтирилган ишларни бошлаб юбордик, – деди "Шаҳрихонтумангаз" газ таъминоти бўлими бошлиғи Умиджон Расулов. – Шу кунгача Шаҳрихон тумани Оқ олтин маҳалласидаги 1,6 километр газ қувури жорий таъмирланиб, 2 километрдан иборат қувурлар бўялди. 1 дона газ тақсимлаш қурилмаси эса жорий таъмирланиб, техник тафтишдан ўтказилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудда истиқомат қилувчи мингдан ортиқ оилаларда қулай муҳит яратилди.

Ҳозирда Андижон вилоятининг Асака туманидаги Эргашобод, Олтинкўл туманининг Интизом, Хўжаобод туманининг Янги ҳаёт ва Шаҳрихон туманининг Оқ олтин маҳаллаларида ушбу мезон талаблари ижросини таъминлаш ишлари кенг йўлга қўйилган. Бунинг натижасида 2595 та хонадонда истиқомат қилувчи 15 минг нафардан зиёд аҳолининг табиий газ билан боғлиқ муаммоси ижобий ечим топиб, турмуш шароити янада яхшиланади.



# Меҳнатобод 100 фоиз обиҳаёт билан таъминланди

**Асака тумани Андижон вилоятининг тоза ичимлик суви таъминоти оғир бўлган ҳудуди ҳисобланади. Сабаби, бу ерда аксарият маҳаллалар адирликда жойлашганлиги боис таъминотнинг муқобил туридан фойдаланишга тўғри келади. Жумладан, "Меҳнатобод" МФЙнинг айрим кўчаларида яшовчи аҳоли сувни узоқ масофадан ташиб келишган.**

– Бу маҳаллага кўчиб келганимга 40 йил бўлди, – деди меҳнат фахрийси Абдураҳмон ота Ҳайдаралиев. – Сўнгги 20 йил давомида ичимлик сувида муаммолар юзага келди. Бу бўйича мурожаат қилмаган идорамиз қолмади. Вақти-соати бугунга тўғри келган экан, мана, бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Ҳар бир хонадонга сув жўмраклари ўрнатилди. Бунинг натижасида турмуш шароитимиз янада яхшиланди.

– Маҳалламиз адирликда жойлашганлиги сабабли Амир Темур, Янги чек ҳамда Меҳнатобод кўчаларига сув чиқмас эди, – деди ушбу маҳаллада яшовчи Эргашхон Суюнова. – Шукрлар бўлсинким, эндиликда сув таъминотига доир бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, маҳалламизга сув келди. Бундан ниҳоятда хурсандмиз!

Ҳозирда "Меҳнатобод" МФЙда 3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг обиҳаётга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида 3 километр масофага янги сув қувури тортилиб, ҳududнинг сувлашганлик даражаси 100 фоизга етказилди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Давлат хизматлари маркази филиали қайта жиҳозланди

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сирдарё вилояти Ховос тумани Қаҳрамон маҳалласидаги ДХМ филиали қайта жиҳозланиб, янги режимда иш фаолиятини бошлади. Ушбу филиалнинг очилиш маросимида адлия вазири Акбар Тошқулов иштирок этди.**

Эндиликда филиал доимий душанбадан жумагача соат 9.00 дан 18.00 га қадар иш режимида ишлайди. Мақсад – аҳолини бир ҳужжатни деб овора қилмаслик, фуқароларга қулайлик яратишдир. Марказда ташриф буюрувчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Шинам хона, интернетга уланган компьютер тўплами, давлат хизматлари ва улардан фойдаланиш бўйича маълумот берувчи ахборот бурчаклари ва бошқалар шулар жумласидан. Аҳоли бу ерда оммабоп бўлган 100 дан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Шу куни филиалда ФХДЁ бўлими томонидан ёш оиланинг никоҳи қонуний қайд этилди. Шунингдек, "Ҳеч бир шахс ҳужжатсиз қолмайди" ҳуқуқий акцияси доирасида 7 нафар фуқарога ҳужжатлар топширилди.

# Сизот сувлари тўпланишининг олди олинмоқда

**"Дўстлик уй-жой коммунал хизмат" БСК томонидан Дўстлик маҳалласидаги кўп қаватли уйларни ёғингарчилик даврида сизот сувлари тўпланишини олдини олиш ва сув кетиши учун қувурлар жойлаштирилмоқда.**

Кўп қаватли уйларнинг куз-қиш даврида барқарор ва техник ҳолатини яхши сақлаш мақсадида уй эгалари томонидан тўланаётган мажбурий бадал маблағлари ҳамда бошқа турдаги коммунал хизматларни кўрсатиш учун тўланадиган маблағдан фойдаланилади. Бунга Ўзбекистон Республикасининг "Кўп хонадонли уйларни бошқариш тўғрисида"ги Қонуни асос бўлади. Хусусан, мазкур Қонуннинг "Умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатлар" ҳақидаги 16-моддасига кўра, мулкдорлар умумий мол-мулкни сақлаш бўйича харажатларни ҳар ойда, қоида тариқасида пул шаклида тўлаши шарт.

# Табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланди

**Гулистон туманида истиқомат қилувчи фуқаро Й.П. хонадонида яширин тарзда бодроқ цехи ташкил қилиб, табиий газдан ноқонуний фойдаланиши натижасида давлат манфаатларига 339 миллион 143 минг сўмлик зарар етказганлиги маълум бўлди.**

Шунингдек, Янгиер шаҳрида "К.А.Т." МЧЖга қарашли ошхона (231 миллион 140 минг сўм) ҳамда "Н.С.З.С." якка тартибдаги тадбиркорлик субъектига қарашли новвойхона (61 миллион 860 минг) газ қувурига техник иш режимини бузишга олиб келадиган қурилмалар (яъни, сўрувчи насос) ўрнатиб олган. Бунинг натижасида давлат манфаатларига жами 293 миллион сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди.



Қоидабузар истеъмолчиларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўриш учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилинди.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига "Чорсу буюм савдо комплекси" АЖнинг 2024 йил 13 февралдаги 25-сонли буюртманомасига асосан, "Чорсу буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган **умумий майдони** – 12,0 квадрат метрдан иборат бўлган 95-сонли дўкон, "Миллий кийимлар" савдо шохобчаси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси** – 20 000 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 15 март куни соат 16.00 гача.

**Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 18 март куни соат 11.00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 1, 15, 30 апрель, 15, 30 май кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

**жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-82.

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2024 йил 30 январдаги 7 (760)- ва "Тошкент оқшоми" газетасининг 2024 йил 1 февралдаги 4 (14 159)-сонларида "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2024 йил 26 январдаги 52-сонли хатига асосан танлов савдоларига чиқарилган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи тўғрисида чоп этилган эълонларидаги савдолар вақтинча тўхтатилганини маълум қилади.

**Асос:** "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2024 йил 8 февралдаги 82-сонли хати.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-82.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

"Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Тахтакўпир тумани ТБнинг 2024 йил 15 февралдаги 495-сонли алоқа хатига асосан, Тахтакўпир тумани, Дослық гузори, 10-уйда сақланаётган 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 695 FAA бўлган, таъмирталаб қониқарсиз ҳолатдаги УАЗ-96792-16 русумли автомашина қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 8 828 000 сўм.

**Аукцион савдо 2024 йил 18 март куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.**

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган мулклар билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 7005 7145 2012 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.

**Тел.:** 61-222-84-44.

**Расмий сайт:** www.rmm.uz

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№11 (764) 2024 йил 16 февраль



# Zahiriddin Muhammad Boburning sharq tamadduniga qo‘shgan hissasi

**Dostonbek ABDURAHMONOV,** Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti talabasi.

**Adabiyot va tarix sohasi xodimlari qatorida ko‘plab soha ixlosmandlari nazarida muhtasham XV asr turkiy dunyo tafakkurining ikki dahosi birinketin kirib kelgan. Albatta, bu Hazrat Mir Alisher Navoiy hamda shoh va shoir deya e’tirof etiluvchi Zahiriddin Muhammad Boburdir. Bu ikki inson bir-biriga o‘xshash hamda hamohang tarzda yashab o‘tgan. Ikkisi ham ko‘p qirrali iste’dod sohibi, yetuk va buyuk insonlar edi.**

Xususan, Zahiriddin Muhammad Bobur yuqorida aytilgani kabi faqatgina adabiyot va san’at sohasida emas, balki ko‘plab sohalarda bilimga ega bo‘lgan. Uning birgina “Boburnoma”sining o‘zi o‘ndan ziyod fanlar uchun tayanch, poydevor vazifasini bajaradi. Asarni sinchiklab mutolaa qilarkanmiz, bu buyuk temuriyzodaning yoshlik chog‘idanoq bobosi Amir Temur imperiyasining qayta tiklanishi hamda uning hududdagi yagona, mustahkam siyosatini yurgizishga harakat qilganini anglaymiz. U har bir soha yuzasidan o‘zining yetarlicha bilimi va salohiyati bilan birga erkin fikrini ham bildira olgan. Masalan, u 1495-96-yillarda Xurosonda hukmronlik qilgan. Ayni shu vaqtda yosh temuriyzodalarning yurt olishga bo‘lgan harakatlari kuchaygan edi. Bunda Sulton Husayn Boyqaro tasarrufidagi Hisorda Sulton Mahmud Mirzoning beki Xisravshoh bosh ko‘tarib, ikki marta uning ustidan g‘olib kelgan. Bobur bu haqda shunday fikr bildiradi: “Xisravshohning muncha ulg‘aymog‘ig‘a va muncha haddi yetmas ishlarni qilmog‘ig‘a Sulton Husayn Mirzoning ikki qatla kelib yonmog‘i sabab bo‘ldi”.

“Boburnoma”dagi ko‘plab misollar sivilizatsiyaga o‘ta moyil hamda yetuk bunyodkor inson – faqatgina shoh Boburni emas, balki tom ma’noda muhandis Boburni ochib bera olgan. Chunki Bobur yaratilayotgan inshootlarining chinakam jonkuyari sifatida namoyon bo‘ladi. Shoirning yaratuvchanlik ishidan mamnunligi, har bir qo‘yilgan g‘isht-u, toshdan hayot zavqini tuya olgani quyidagi parchada namoyon bo‘ladi: “Tonglasig‘a buyurulg‘on yerlarni yurub sayr qildim. Yakpora toshdan buyurulg‘on kaylador havzaning bir martaba tamom ko‘tarmaydurlar edi, buyuruldikim, sangtaroshlar ko‘prak kelib, bir martaba, havzaning tubini durustroq olsunlarkim, suv quyib, atrofini torozu qilsa bo‘lg‘ay. Kech nomozi digar havzaning bir martaba yuzini tamom oldilar. Buyurdimkim suv to‘ldirdilar. Atrofini suv bila torozu qilib, hamvor qilmoqqa mashg‘ul bo‘ldilar. Bu navbat yana bir obxona buyurdimkim, yerini yakpora toshdin tarosh qilg‘aydilar, ichidagi kichik havzni ham yakpora toshdin qozg‘oylar”.

Yana bir e’tiborli jihat, Boburga hind arxitekturasi hamma vaqt ham ma’qul kelmaydi. Shu bois, u Hindistonda o‘z yurtini ya’ni, Movarounnahrni eslatib turadigan koshona va saroylarni yaratishga bel bog‘laydi. Ularning bosh me’mori Boburning o‘zi edi. Bunga yaqqol misol tariqasida Rahimdod ismli kishi hind elida qurgan “kichikroq tarolg‘ina”– kichik ayvon va bog‘cha shoh Boburning o‘zi tug‘ulib o‘sgan Movarounnahrni eslatadi. Go‘yo, bu imoratlar aynan Bikramajitning beso‘naqay imoratlari yonginasida, atayin taqqoslash uchun bunyod etilgandek. “...Ushbu ulug‘ gumbazning ustida Rahimdod bir kichikrak tolorg‘ina qilibtur. Rahimdod ushbu Bikramajitning imoratlarida o‘lturubtur. Bu imoratlarni sayr qilib, otlanib Rahimdod solg‘on madrasani kezib, qo‘rg‘onning janubiy tarafida bir uluq havzning yoqasida Rahimdod solg‘on bog‘chani tafarruj qilib, kech o‘rdu tushgan chorboqqa kelduk. Bu bog‘chada xeyli gullar tikibtur. Xushrang qizil kaner bog‘chada xeyli bor. Bu yerlarning kaneri qip-qizil xushrang kanerlardur. Bir pora qizil kanerni Gvaleyardin Agra bog‘lariga kelturub ektirdum”.

Bobur Hindistonni o‘z tasarrufiga olgach, eng birinchi navbatda, Xuroson, Afg‘oniston va Movarounnahr bilan aloqani tiklash hamda o‘rnatish, ma’lumot va xabarlarni imkon qadar tezlikda yetkazishni o‘yladi. “Boburnoma”da “Har to‘qqiz kuruh manor qo‘porg‘aylarkim, manorning balandlig‘i o‘n ikki qari bo‘lg‘ay. Ustida bir chordara qo‘porg‘aylar. Har o‘n sekkiz kuruhda olti yom oti bog‘lag‘aylar. Yomchi va sayisg‘a ulufa va otlarg‘a aliq ta’yin bo‘lg‘ay. Andoq farmon bo‘ldikim, bu yom oti bog‘latur yer agar bir xolisag‘a yovuq bo‘lsa, bu mazkur bo‘lg‘onlarni andin saranjom qilsunlar, yo‘q ersa, har bekning parganasiga voqi’ bo‘lsa aning uhdasiga qilsunlar. Ushbu kun Chaqmoq bila Shohiy Agradin chiqtilar. Bu kuruhlarni mil bila muvofiq ta’yin qilindi” deya keltirilgan.

Yuqoridagi parchadan Boburning Sharqda mavjud bo‘lmagan aloqa tizimini ishlab chiqqanini ko‘rishimiz mumkin. Bunda o‘sha davrdayoq aloqaning barcha jihatlari: ma’lum masofada qancha va qaysi sifatdagi otlar bog‘lanib, parvarishlanishi, ularning ozuqasi, otboqarlar, ularga sarflanadigan sarf-xarajatlar miqdori nazarda tutilgan. Xarajatlar Boburning hukmronligi ostidagi hududda bo‘lsa, o‘sha joyning beklari hisobidan, agar o‘zga hududda bo‘lsa, haq to‘lash yo‘li bilan amalga oshirilishigacha inobatga olingan. Bunday puxta va aniq rejalashtirilgan hamda joriy qilingan ishlar hozirgi zamon axborot texnologiyalariga zamin bo‘lganini inkor etib bo‘lmaydi. Yoki yana bir jihati, bir-biridan ko‘rinmas darajada uzoq bo‘lmagan tepaliklardan olov yoqish usuli bilan xabar berish o‘sha davrda yaratilgani ham hozirgi zamon uchun tamal toshi bo‘lgani aniq.

Musofir bo‘lmaguncha, kishi musulmon bo‘lmas, deydilar. Vatanda turib uni tasavvur qilish, his etish, uning timsolini mukammal ko‘ra bilish, tuyish dargumon. Zahiriddin Muhammad Bobur vatandan olisda, musofirlikda uning timsolini yaxlit tasavvur qildi, mehrini, qadrini teran his etdi. Vatan, diyor, yor hajrida, sog‘inch dardida ko‘z yosh to‘kkan bo‘lsa kerakki, bu holat uning she’rlarida yaqqol namoyon bo‘lgan. Bobur she’rlarida ko‘z yoshi so‘zini ko‘p ishlatadi, bu so‘zga bog‘liq holda qon so‘zidan ham ko‘p o‘rinda foydalanadi. Demak, u ko‘p iztirob chekib, ko‘z yosh to‘kkan, ko‘p qonli hodisalarning guvohi bo‘lgan shaxs.

Bobur poetikasi ham muallifni tasavvurimizda gavdalantirish mumkin bo‘lgan, uni anglashimizdagi asosiy manbadir. O‘z tariximizni o‘rganishimizda ham she’riyatning o‘rni katta, tarixda haqiqatdan ko‘ra yolg‘onlar ko‘p uchraydi. She’rda esa shoir his-tuyg‘usini boricha izhor etadi va mana shu tuyg‘ularni insoniyatga singdiradi. Shuning uchun shoirlar ijodi har bir davrning ko‘zgusi hisoblanadi. She’riyat yordamida bemalol muallif tarjimai holi tadrijini va hayot yo‘li xaritasini chizish mumkin. Bobur har nafasda, har qadamda tafakkur qilishga majbur edi. Zero, u yashayotgan va faoliyat ko‘rsatayotgan muhit va voqelik shuni taqazo etar edi.

# Жорий йилда қурилиш ишларига қанча маблағ ажратилади?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**2024 йилда қурилиш-таъмирлаш ишлари учун бюджетдан 20 трлн 24 млрд сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари Ҳусан Шораҳимов маълум қилди.**

Прокуратура органлари томонидан қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш борасида назорат тадбирлари ташкил этиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги 43-сонли ва 2022 йил 17 ноябрдаги 425-сонли қарорларида белгиланган вазифалар доирасида давлат дастурларидаги қурилиш лойиҳаларининг ижроси мунтазам ўрганиб борилмоқда.

Хусусан, 2023 йилги тасдиқланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган 2,535 та, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурларидаги 9,905 та, ташаббусли бюджет лойиҳалари доирасида 5,989 та объектда олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун давлат бюджетидан ажратилган 32 трлн сўмдан ортиқ маблағнинг мақсадли сарфланиши ўрганилди. Дастурлар ижросига масъул бўлган мутасаддилар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш мақсадида Бош прокуратура томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида назорат тадбирлари ташкил этилди.

Ушбу ўрганишлар натижасида давлат дастурларидаги 14,273 та объектда қурилиш ишлари муддатида якунланиб, фойдаланишга топширилиши таъминланди. Хусусан, 1 876 та мактаб, 414 та мактабгача таълим ташкилоти, 522 та тиббиёт муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланди. Ҳудудларда 14 376 км йўллар таъмирланиб, 11 471 км ичимлик суви тармоғи тортилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги 404-сонли қарори билан, жорий йил учун тасдиқланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ижроси ҳам тизимли назоратга олинган. Ушбу дастурга асосан, жорий йилда бюджетдан 20 трлн 424 млрд сўм маблағ ажратилиши ва 1,724 та объектда бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши белгиланган. Назорат тадбирларида объектларнинг нархини асоссиз равишда оширилиши ва ортиқча харажатлар қилинишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида 2023 ва 2024 йилги дастурлардаги қурилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда 4 трлн сўмга яқин ортиқча харажат мақбуллаштирилди.

Шунингдек, объектларни ўрганишда 3,716 та ҳолатда сифатсиз бажарилган 77 млрд сўмлик ишлар, 1,639 та ҳолатда ҳисоботларга қўшиб ёзилган 74 млрд сўмлик ишлар аниқланиб, бартараф эттирилиши таъминланди. Шу билан бирга, юклатилган вазифа ва топшириқлар ижросида камчиликлар ва қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган, ўз вазифасини лозим даражада бажармаган 782 нафар масъул интизомий ва 2,353 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 2,508 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик юзасидан расман огоҳлантирилди. Қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан эса 673 та жиноят иши қўзғатилиб, 5,5 мингга яқин жисмоний ва юридик шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ўрганишлар ва таҳлиллар давомида аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш орқали қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланиб, Ҳукуматга киритилди. Ҳозирда қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш юзасидан назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

# Йўлсозликнинг талаби қатъий

**Хуррам МУСУРМОНОВ, Жаҳонгир ЯНГИБОЕВ,** Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекциясининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими бош инспекторлари.

**Президентимизнинг 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ-374-сонли қарори иловасидаги “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларида профилактика тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишган ҳолда тасдиқланган чораклик режа-графикларга кўра ўтказилиши кўзда тутилган.**

Жумладан, йўл қурилиши соҳасида иштирок этаётган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа пудратчилар томонидан қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш жараёнида лойиҳа ва норматив ҳужжатлар талабларига қанчалик риоя этилаётганлиги давлат томонидан назорат қилиниши белгиланган. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 декабрдаги 668-сонли қарори Низомида белгиланган ваколат доирасида амалга оширилади.

Инспекция томонидан йўл қурилиши объектларида тайёргарлик, йўл пойи ва асос қуриш, қоплама қуриш, бетон ва конструкцияларни монтаж қилиш, жиҳозлаш, автомобиль йўллари ҳамда йўл иншоотларини жорий таъмирлаш ишлари бўйича асосий кўрсаткичлар текширилиб баҳоланади. Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектларида сифатни таъминлаш асосий мақсад ҳисобланади.

“Транспорт инспекцияси тўғрисида”ги Низомга асосан, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда ҳуқуқий ва техник норматив ҳужжатлар талабларини бузганлик учун инспектор томонидан Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг тегишли моддалари бўйича маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Яна бир гап, йўл қурилишини бошлашдан то уни фойдаланишга топширгунгача бўлган ҳар бир ҳолат ҳисобга олинишидан ташқари, шаҳар кўчалари ва ички хўжалик йўлларида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар, қатновни тартибга солувчи техник воситаларга зарар етказиш, сақлаш қоидаларини бузиш, йўлларга сунъий тўсиқлар, шлагбаумлар ўрнатиш кабилар ҳам жавобгарлик ҳисобланиб, жарима солишга сабаб бўлади.

Яқинда соҳа вакиллари иштирокида ўтказилган семинарда ана шу қонун ҳақида батафсил маълумот берилди.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил февраль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳайдовчиси **Азамат Исломов,**

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” Лойиҳа қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш бўлими бош мутахассиси **Юнус Назаров,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош мутахассиси **Евгений Туляганов,** “Хоразм” филиали ҳайдовчиси **Мансур Одилов,**

“Ташгипрогор” АЖ ЭО гуруҳ раҳбари **Бегзод Абдуразаков,** бўлим бошлиғи **Темур Жўрақулов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ хўжалик ва дастурий-техник таъминот бошқармаси бошлиғи **Жасурбек Раҳмонов,** алоқачи-телефонист **Ринат Ҳасанов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Бекмурат Сейтимбетов,**

Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Бунёд Ташев,**

Навоий вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази етакчи мутахассиси **Меҳриддин Бозоров,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси иш юритувчиси **Жавлонбек Одилов,**

Фарғона вилояти, Фарғона тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Гулхумор Жўраева,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси инсон ресурсларини бошқариш бўйича бош мутахассис **Рухсора Қурамбоева,**

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги “Пиридастгир коммунал сервис” МЧЖ бош директори **Тўра Ибодов,**

Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги “Баҳора жаҳон давр” МЧЖ бош директори **Ислом Тоғаймурод,**

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги “Yakkasaroy kommunal birinchi” МЧЖ бош директори **Алег Дадабаев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Озода Жўраева, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-241.
1771 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – М. Ҳайдаров.

ЎзА якуни –
Топширилди – 00.15.

1 2 3 4 5 6